

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 37 (65864)
1995 йил, 3 сентябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

БОЗОР ВА БОЛАЛАР

— Устоз, бир зордан топишди, нинг бозорга, бо- ки бозор ҳаёти-
нарсага ҳайрон- доривор гиёҳ- зорнинг одам- мизга тобора чу-
ман, одамларга ларни ҳам ўша ларга яқинлашу- қурроқ кириб
яшаш учун нима жойдан излаш- вими?
зарур бўлса бо- ди. Яна бир нар- — Бу каби са-
зорга югуриша- са — маҳалла- волларга кўшим-
ди. Ёки аксинча, миз гузарининг ча дарсларнинг
ўзларида нима бир чеккасида ўзидаёқ жавоб
ортиқча, ноке- писта, қурут, хў- берай дедиму,
рак бўлса яна шу розқанд, яна ал- ўйлаб, қолдим, —
томонга чопи- ланималар сотиб дейди ўқитувчи
шади. Тунов ку- ўтирувчи отахон Назокат опа
ни кўшнимизни- бир ҳафта кўрин- Файзиева. — Ва
нг касалига кўл- май қолувди, ро- сизларга муро- оз ўйлаб кўрши-
вор илон даво, са йўқлашди. Ни- жаат қилишга мизга туртки
дейишувди, бо- ма, бу одамлар- аҳд қилдим. Чун- бўлди.



БИР ҲАФТА ЯНГИПИКЛАРИ

«Туркистон» санъат саройида Германиянинг «Карл-Цайс-Йена» фирмаси томонидан республика миқдоридаги тиббиёт муассасаларига тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 15 та автомашина берилди.

Пойтахтимиздаги «Алпомиш» спорт саройида бокс бўйича XVIII Осиё чемпионати бошланди.

Республика миқдорида халқ таълими ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонлашди.

Тошкентда «Устоз ва шогирд: барҳаёт анъаналар» шиори остида ўтказилган миллий хунармандчилик ярмаркаси ниҳоясига етди. Унда халқ амалий санъати ва хунармандчилигининг барча мактаб ҳамда услублари намойиш этилди.

Бухоро шаҳридаги I-мактаб гимназия мактабининг олди. Бу ерда ўқувчиларга касб-хунарга йўналтирилган билим берилди.

Асака тумани пахтакорлари республика миқдорида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришди.

Бутун жаҳонда бўлгани каби юртимизда ҳам халқаро қариялар кунини кенг нишонланди.



ҚҰЛИ «ГУЛ» ШОГИРДЛАР

Човли, теша, урок, оташкуррак, хаскаш. Ушбу рузгор буюмлари қуйилган пештахта олди одамларга тула. Йук, йук, уларнинг бари бу буюмларга харидор эмас, ушбу нарсаларни ясаган кичик усталар санъатига ихлосманд. Усталар бўлса бепарво уз ишида давом этишади. Айниқса, Улугбек. Унинг қулидаги ҳийлагина бақувват сим гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга «юмшоқ» қина эгилиб, худди сеҳрлангандай айлана шаклига кирар, бир оз вақт утгач эса човли — сузгич пайдо буларди.

— Углим, човлингни бундан сал кичикроқ қилиб ясаб беролмайсанми? — сурайди бир харидор.

— Ясаб бераман, фақат эртага, тушдан кейин хабар олинг.

Буюртмачи кетгач, бошқаси келди, унинг синиб қолган урогини тузатиш, яна бошқасига кафттир, бошқа бирига

ҳокандоз ясаб бериш зарур экан. Уларнинг буюртмаларини олиб кетиш вақтини Дилмурод махсус дафтарга ёзиб олди.

Биз таърифларини келтирган қули «гул» болалар Бухоро вилояти, Жондор туманида яшайдилар. Темирчи Файзулла бобонинг набиралари Дилмурод ва Улугбек Ғайбуллаевлар десангиз туманда ҳамма танийди. Болалар темирчилик хунарини оталари Мурод акадан урганишган. Меҳнатсевар, зеҳинли ва топқир хунар эгалари жондорликларнинг барча буюртмаларини арзон ва аъло бажариб, олқиш ва дуо оляптилар.

Суратда: уста темирчи Мурод ака Ғайбуллаев уз угил-шогирдлари билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«ОТЧОПАР»ДАГИ СУХБАТЛАР

«Энг катта, энг арзон, маҳсулотлари ранг-баранг, сероб бозор», дейишади «Отчопар» ҳақида. Якшанбада ўша жойни бир томоша қилишдек кичик ният билан у ерга бордим, бошқача, бахслашса поёнига етиб бўлмас манзарага дуч келдим. Яъни савдога аралашиб юрган болаларнинг кўплигига. Ахир улар учун «қорин ташвиши» энг асосийси эмас. Бу-нинг учун қайғурадиган катталар, ота-оналар бор. Айни дамда ўқиш, ҳунар ўрганиш, китоб ўқиб, «ҳақиқий одам» бўлиш муҳим эмасми? Балки суҳбатлашсак, бу саволларга жавоб топармиз.

БЎШ ВАҚТИМДА БАЛИҚ ДУДЛАЙМАН

Асқар КОМИЛОВ — Чиноз шаҳридан.

— Сирдарё уйимизнинг ёнгинасидан оқиб утади. Қирғоқ табиатига зарар келтирмасдан яшашга ҳаракат қиламиз. Жуда кичиклигимдан дамнинг балиқ овлаб келишларини курганман. Кейин билишимча, улар фақат ов учун махсус рухсат берилган вақтлардагина бу иш билан шуғулланар эканлар. Ёзги таътил кунларимнинг бирида: «Ўғлим, ҳовлимизда балиқ дудлайдиган хона қуришга рухсат олдим. Энди иккаламиз бир иш қиламиз», дедилар. Хурсанд бўлиб кетдим. Ахир, бундай қизиқарли юмуш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз?

Роса тер туқишга турги келди. Сиртдан қараганда ёки биров бажарганда анчайин осон куринадиган ишларни бажариш ҳийла қийин булар экан.

Хуллас, маҳсулот чиқара бошладик. Мана, бўш вақтларимда уларни сотиш билан машғулман. Айтгандай, ҳаммасини эмасу, ҳунаримизнинг кичик бир сирини ошкор этай. Егуликнинг тузи меъёрида бўлишини таъминлаш, узидан хушбуй тутун чиқарадиган ёғочни танлаш ҳам жуда муҳим.

МЕВАСИ ЎЗ БОҒИМИЗДАН

Шокир МУРОДОВ — Зангиота туманидан.

— Оиламиз билан 20 сотих ердаги мевазор боғни ижарага олганмиз. У ерда мевали дарахтларнинг жуда кўп

тури бор. Айниқса урик мул. Баҳорда эртапишар ўригимиз ҳосилини териб, жамоа ҳужалигимиз дуконига топширдик. Тўкилганларини да-нагидан ажратиб, қоқи солиб қўйган эдим. Яқинда ўша данакларни чақиб, мағизини олдим-да, бозорга олиб чиқдим. Пулига қалам-дафтар, ручка ва бошқа майда-чуда нарса-лар олдим. Ҳарна-да, ота-онамга ёр-дам.

Яна бир гап. Мактабда жуда аъло-га ўқимайман-у, лекин сира дарсдан қолмайман. Асосий мақсадим, боғ ишларини ўрганиш: пайвандлаш, зар-рарли ҳашаротларга қарши кураш усуллари, суғориш, ўғитлаш ва ҳо-казо дегандек...

БИР ЗУМЛИК ИШ ХОЛОС

Рашид САЛОМОВ — Чилонзор тумани.

— Уйимиз бозорга яқин. Бу ерга бир зумгагина, яъни савдо-сотик ту-габ, расталар бушаб қолганда чиқа-ман. Шу вақтда ҳаммаёқ қоғоз чи-қиндилари, бушаган қутиларга ту-либ кетади. Йиғиштириб оламани, дарҳол шу ернинг узидеги қоғоз чиқиндилари қабул қилиш жойига олиб бориб топшираман. Эвазига совун, усимлик ёғи ва бошқа нарса-лар олиб уйга қайтаман.

НИМАДИР ЁҚМАЯПТИ

Аваз СОБИРОВ — Сирғали ту-мани.

— Техникага қизиқардим. Радио, телевизор, велосипед, турли мо-торлар — ҳаммасини тузатиш кў-лимдан келади. Лекин бир куни шу қизиқишларимнинг ҳаммасидан воз кечиб, савдогарликка (олиб-сотар-лик деса бўлади) уриб кетдим. «Не-га?» дейсизми? Ўқувчилар саройи уйимиздан анча олисда бўлса ҳам қатнардим, қизиқардим-да. Аммо машғулотлар уз вақтида утказилмай қола бошлади. Болалар келса, ту-гарак раҳбари келмайди, устоз келса болалар тупланмайди. Хуллас, бор-май кетдим.

Ҳозир уйимиз ёнидаги дукондан «Тошкент суви» олиб келиб, бу ерда қимматроққа пуллаяпман. Бир кун-

да 50 — 60 сум ёнимга қолаяпти. Аммо бу ишдан зерика бошладим. Яна тугаракка, кутубхонага катнаш-ни бошласаммикан? Нимадир ёқ-маяпти-да...

САВДОГАРЛИК — АЙБ ЭМАС-КУ!

Мўмин ФАРМОҶОВ — Акмал Икромов туманидан.

— Олиб-сотар, деяпсизми, опа-жон, ундай эмас, савдогар, денг. Ҳозир исбот қиламан. Анчадан буён йиғиб юрган 2 минг сум пулим бор эди. Уни долларга алмаштирдим-да, хорижга қатнайидиган қариндо-шимизга бердим: «Менга ҳам рези-на сақичми, ширинликми, сигарет-ми (яна ўзи чекаркан деб уйламанг, ҳали кичкинаман) олиб келиб бе-ринг, «бизнес қилай» деб ялиндим. У ҳам қариндошлик ҳурмати, нои-лож келтириб берди. Мана, савдо қилиб юрибман. Ўқитимни сўрайдиган булсангиз, иқтидорлилар син-фидаман. Дарсни ўқитувчимиз ту-шунтириб бергандек қилиб такро-лаб берсам булгани, аъло баҳо тайёр, дарс тайёрлаб утириш шарт эмас. «Рухсатнома» дейсизми, қариндошимизда бор, мен бир жойи-да эмас, юриб савдо қиламан. Ахир, савдогарлик айб эмас-ку! Ҳар ҳолда мен шунақа тушунаман.

Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди.

Тахририятдан:
Бовордаги баъзи болалар-нинг сўзларидаги дадиллик, айниқса ростгўйлик, келгусида-ги ўз ҳаёти учун қайғуриш, «бер-санг ейман» деб ўтирмай, иложи борича ҳаракатда бўлиш ва шу йўлдаги истак қувонтирган бўл-са, баъзиларидаги фақат ўзим бўлайчилик, ўзбекона хулқ-ат-ворга хос бўлмаган бетгачопар-лик, андишасизлик белгилари бизни ташвишга солди. Ва шун-га умид қилдикки, яхшини кў-риб шукур, ёмонни кўриб фикр қил, деганларидек, у ердаги иж-бий ёки салбий ҳолатлар бола-ларимизнинг пишиқ-пухта бўлиб ўсишларига, «Ватанинг бой, сен бой» деганларидек, Ватанимиз-нинг бойишига, гуллаб-яшнаши-га ҳисса бўлиб қўшилса.

АВВАЛ БИЛИМДАН ГАПИРИНГ

Нарх-наво ҳақидаги баҳсимизга мате-матика ўқитувчимиз нуқта қўйдилар.

— Бу ҳақда ўйлашга ҳали эрта, аввал билимдан гапиринглар. Диққат, ўтган да-рсни такрорлаб оламиз, — дедилар дар-ҳол мақсадга кўчиб.

Мана шу гап-сўзларнинг бўлиб ўтганига ҳам уч йил бўлибди. Ўшанда устоздан кўрққандан эмас, уларни ҳурмат қилган-дан, сўзларининг ҳақлиги учун фақат би-лим олишни ўйладик, яхши ўқишга ҳара-кат қилдик.

Орадан кўп ўтмай, математика фани-дан иқтидорли болалар синфи ташкил этилди. Унга деярли барча синфдошларим танлаб олинди. Қизиқарли матема-тика тўғараги очдик. Бунда Умида Нуро-ва, Рамзиддин Ибрагимов, Сайёра Ис-моилова, Бобир Тешаев, Ботир Нурил-лаев, Наргиза Сирожова, Инобат Сафа-рова фаоллик кўрсатишди.

Мана ҳозир 9-синфда ўқияпмиз, аввал-гилари ёнига она тили ва адабиёт, рус тили, инглиз тили, зардўзлик, тикувчи-ликни ўргатувчи тўғарақлар ҳам қўшил-ди.

Ҳали ўқишлар бошланганига кўп бўлма-ган бўлса-да, мактабимиз деворий газе-таси чиқа бошлади. Унда ибрат бўларли ишлар билан бирга тенгдошларимиз иж-одига, бобо-бувиларимиздан ёзиб олинган халқ қўшиқлари, дoston ва лапарларига ҳам кенг ўрин бераёпмиз.

Гулноза ШАРОПОВА,
Бухоро вилояти, Гиждувон
туманидаги 40-ўрта мактабнинг
9-«В» синф ўқувчиси.

Кичик фельетон

«ПЕПСИ КОЛА» АРЗОНРОҚМИКАН?

Наманганнинг «Тез ёрдам» шифохонаси атрофида шахсий ва хусусий дуконлар жуда кўп. Бу ерга келсангиз, катта чайқов бозори-га кириб қолгандек бўласиз. Лекин нархлар жуда қиммат. Одамлар ноиложликдан бемор куриш учун у-бу харид қиладилар. Мана, бир мисол:

— Икки дона «Кока-кола» беринг?

— Марҳамат, 64 сум туланг.

— Нега бунча қиммат?

— Э, акажон, бизга ундан келтиришган, шишаси йигирма иккидан, — жавоб қилади усмир Зухриддин.

Харидор хафа бўлиб нари кетади-ю, яна ноилож қайтиб келади:

— Пепси колангиз арзонроқдир?

— Жа, жонга тегдингиз-ку, 50 сум чиқаринг-да, олаверинг.

Зухриддиннинг жавоблари бизда шубҳа уйғотди, «жуда унчалик эмасдир, ахир тар-тиб-қоида бор», деган умидда сураб-суришти-ра бошладик.

Маълум бўлишича, бу нарсалар Раҳимжон Баратовга қарашли «Феруза» хусусий ду-кониға тегишли экан. Дам олиш куни булгани сабабли бу ерда Раҳимжон аканинг ўгли Шухратжон сотувчилик қилётганди. Унинг

икки-уч шогирдлари эса (улар 13-14 ёшдаги болалар) қуллари-қулларига тегмай «Кока-кола», «Пепси-кола» пуллашяпти. Дуконда ароқнинг 20 хил, кийим-кечакнинг 100, ширинликларнинг унлаб турлари бору, лекин нархи баланд.

Маيلي, булар ҳам уз йулига, дейлик. Лекин бизни бир нарса ҳайрон қолдиради. Тошкентдаги «Кока-кола» заводидан 6 сум 20 тийиндан келтирилган бу ичимлик 10 сумдан пулланаётганининг боиси нима?

Тургунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

Тахририятдан: журналист Тургунпўлат Су-лаймонов биринчидан уз юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ута қиммат да-ражада сотилаётганидан ранжийди. Балки буни уша ичимликлар тadbиркорга йул ҳара-жатлари ва бошқа сабаблар туфайли қимматга тушгандир дея «оқлаш» мумкин булар, лекин муаллифнинг асосий мақсади бу эмас. Баъзи усмирларнинг бозорга меъёрсиз аралашини оқибатида уларнинг одамлар билан муомала-си дағаллашиб, хулқ-атворларида баландди-моглик, катталарга ҳурматсизлик каби ўзи-мизга хос булмаган иллатлар пайдо бўлиб қолмаяптими? — деган ташвиш ва андиш-а бор. Сизнинг фикрингиз қандай?



Бозор учун помидорларнинг энг сарасини тергинда, укажон, эзилганларни қишга қоқи қиламиз

КИТОБ ЎҚИШДАН КЎРА... АФЗАЛИ НИМА?

Китоб ўқиганимда унинг қахрамонлари билан якка узим гаплашаман, бирга куламан, бирга хафа буламан, ҳатто бирга йиғлайман ҳам. Ҳеч ким бизга ҳалақит бермайди. Кино кўрганда ёки театр томоша қилганда бунинг сира иложи бўлмайди. Бошқалар ҳалақит беришади.

ДИЛШОД.

... Китоб шарму ҳаёни, ҳушмуомалалик, одамийликни, меҳр-муҳаббатни, ур-

«Яқинда терговчилар ҳаётига бағишланган бир китоб ўқидим, дея ҳикоя қилди навбатдаги ўқувчи. — Унда ҳикоя қилинишича беш нафар 11-14 ёшлардаги усмир узлари билмаган ҳолда машҳур (Александр Невский, Жак Паганел ролларини уйнаган) актёрнинг машинасини олиб қочишади. Актёр милицияга хабар қилади, кичкина угрилар қўлга олинади. Жабранувчи милиция хонасига борганда, беш «азамат» тирик Невскийни куриб ҳайрат-

Мен бу воқеадан шундай хулоса қилдимки, артистнинг бир соатга етиб-етмаган тушунтириш ишлари болаларга етарли таъсир қилмади.

Агарда бу болалар жуда кичкиналикларидан китоб тарбиясини олганларида асар сунгида айтилганидек қайта тарбиялашга жунатилмасдилар.

Ана шунақа гаплар. Кутубхонамизга аъзо бўлиш учун келадиган болалар аниқ мақсад ва мулоҳаза билан келишади.

Биз Собир Раҳимов туманидаги болалар кутубхонаси ишлари билан танишиб улгурмасимизданоқ юқоридаги сатрларни қоғозга туширишга туғри келган эди.

— Кутубхонамиз 1946 йилда ташкил этилган, — дейди мудира Насиба опа Шомирзаева. — Ушунда аҳоли томонидан 300 донга китоб тупланганди. 1984 йилга келиб эса Себзор мавзесида янги кутубхона қурилди. Ҳозир китоблар сони 16 мингтадан ошиб кетди.

Зиё масканига яқин атрофдаги «Чувалачи», «Янги ҳаёт», «Себзор», «Кох ота», «Колхозная» маҳалласи болалари фаол қатнашадилар.

— Болаларимиз китоб ўқиш билан бирга йиртилганларини қайта тиклаб, янгидек қилиб қуйишади, — мудира опанинг сузини давом эттирди кутубхоначи Зуҳра Турсунова. — Яқинда болалар яхши бир ташаббус бошлашди. Яъни қайси боланинг тоби қочиб мактабга бормаётган бўлса, унинг уйига китоб элтиб беришарди. Булардан ташқари турли кечалар, эрталиклар, асарлар ассосида интермедиялар, пьесалар қуйишарди. «Бахтли улка — жонажон Ўзбекистон», «Истиқлол болалари», «Курраимиз болалари» стендлари барчанинг эътиборини тортади.

Кутубхоначи опалар барча яхши ишларни амалга оширишда ҳақиқий китобсеварлар Зулфия Турсунова, Отабек Пиримқулов, Жамшид Мансуров, Қудрат Султонқулов, Журъат Ҳошимов ва бошқаларга суянишади.

Т. ХАМИД ҚИЗИ.

Суратларда: кутубхона ҳаётидан лавҳалар.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Баъзи бир болалар тўғаракларга қатнаб хунарга ўрганишдан кўра бозорга ўзини ураётган, ёки ота-онасининг топган пулига «денди» ўйнашни афзал кўриб қолган бир пайтда кутубхонага бориб китоб ўқиб, ҳам савобли ишлар қилаётган бу болалар ҳаракатини фақат макташ, маъқуллаш, уларга раҳматлар айтиш керак, деб ўйлаймиз.

Сизлар ҳам ана шунақа савобли ишларни амалга ошираётган болаларни биласизми, балки ўзингиз ҳам хунарга ўрганаётган, кутубхона ёки тўғаракда қатнашаётган дирсиз? Бизга албатта маълум қилинг.



гатади. У Ватанга, утмишга, авлод-аждоларга нисбатан юракда қандайдир фахр пайдо қилади.

НАФИСА.

...Китоб ўқиганимда вужудимдаги қандайдир буш турган жой тўлгандек бўлади.

УЛУГБЕК.

Дилшод, Нафиса, Улугбекнинг бу мулоҳазалари сабабини кутубхоначи Шоиста Раҳмонбердиевадан сураганимизда, у ҳам бир воқеани айтиб берди.

— Одатим шунақа. Кимки кутубхонага аъзо бўлиш учун келса, ундан аввал ўқиган китобининг мазмуни, воқеаларга муносабатини сурайман.

дан оғизлари ланг очилиб қолади. Кимнинг машинасини олиб қочганларини улар дарҳол тушунтирган эди.

Актёр угри болалар билан тарбиявий мулоқот олиб бормоқчи бўлади. Угрилик қилиш яхши эмаслиги ҳақида узоқ тушунтириш ишлари олиб боради, болалар уни ерга қараб тинглашади. Ниҳоят, насиҳат қилиш охираб, болаларга: «Энди бундай номаъқул иш қилмайсизлар-а?» дея сурайди. Жимлик. Шунда болалардан дадилроғи, чамаси ун икки ёшдагиси: «Йўқ, биз бу ишни қилаверамиз, чунки бу бизга жуда ёқди», деб жавоб беради. Қолганлар ҳам унинг гапларини тасдиқлагандек бошларини қуйи эгишади.

«ЕЛКАМ» ЕҲТИМЛАШИДИ

Олди-сотди билан шугулланавериш ҳамманинг қила олсам... Вафлининг нархини эсласам, шокоҳам кўлидан келавермас экан. Яъни мен ана ладникини унутаман, печеньеинг нархини энди шунақалардан эканман.

Яқинда дадаси Туркиядан турли ширинликлар сўмдан етти сўм олиб қолиб, қанча қайтаришни келтириб сотадиган бир дўстим мени пештахта билмайман. Хуллас, ўтган ярим соат йилдек туюлди. Ноқулайлик, уятдан терлаб кетдим. Ниҳоят олдида қолдириб:

— Бир оз савдо қилиб тургин, — деди-да, ўзи дўстимнинг қораси кўринди. Елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортдим ўша дамда.

У кетган ҳаманоқ икки-уч харидор «ёпирилиб» келди. Қани энди мен уларга керакли муомалани

Шавкат ФАРМОНОВ,
Марғилондаги 17-мактабнинг ўқувчиси.

АМАКИМГА ЁН БОСДИМ, АММО ТОҒАМ ҲАҚ ЭДИ

Бир-бири билан тенг ёшда бўлган тоғам билан амаким кучадан баҳслашиб, қизишиб кириб келишди.

— Сен Шавкат, мадрасада ўқийман деб, бозор-учар қилишни бутунлай эсдан чиқариб қуйибсан, наҳотки ҳамма нарсани савдолашмай, ҳатто бир сум ҳам тўширтмай пул санаб бераверсанг, ота-онанг пулни супуриб олаятганими? — жиғи-бийрони чиқарди амакимнинг. — Бу «буш»лигинг билан эртага рўзғор ташвиши елканга тушса нима қиласан? Ахир, Ҳадиси Шарифда ҳам буюм савдолашиб, тортишиб харид қилинса савоб бўлиши айтилган-ку!

— Жуда оширвордин! — ҳимоя ҳужумига утди тоғам. — Сенинг бозор қилишингдан ҳижолат тортиб қочиб кетай дедим, шунинг учун ҳам савдолашмай олавердим, тезроқ кетайлик, дедим-да. Ахир сотувчи 10 сум деб турган нарсани, наҳотки 5 сум қилсанг, бу инсофдан эмас-да. Қурдинг-ку, бувимиз тенги келадиган бир онахон бизга нарсанинги сотишни ҳам истамади. Ана шунақа воқеадан яна икки-уч марта бўлса, назардан қолишимиз аниқ. Инсонларнинг назаридан қолган одамнинг эса сира иши юришмайди.

Бу гапларни эшитиб тоғамнинг ҳақлигини ҳис қилсам-да, барибир амакимга ён босгим келарди.

**Хуршида РАСУЛОВА,
Фарғона вилояти,
Кува туманидаги 39-мактаб ўқувчиси.**

«ДУО ҚИЛИБ КЎЙСАНГИЗ БЎЛДИ»

Шаҳрихоннинг марказий бозори бизнинг уйга яқин. Кунора бўлмаса-да, ун кунда бир у ерга чиқиб тураман. Убу харид қилиш баҳонасида пичоқчилик, темирчилик, маҳсидузлик расталарини айланаман. Сандиқчилар, бешикчилар ишини томоша қиламан. У ерда жуда кўп тенгдошларим хунарга ўрганишади, баъзилари ўз ишларини аллақачон ҳадисини олишган, ҳатто шогирдлари бор. Ана шундай кунларнинг бирида бир бола билан кекса отахоннинг гаройиб суҳбати гувоҳи бўлдим. Ва қизиқиб тингладим.

— Болам, ясаган пичоқларингдан иккитасини танлаб бер, неварам келин олаётгандим, унинг Ҳасан-Ҳусан укалари бор экан, ушаларга совгага, кичикроғидан керак.

Янги ясаган буюмига гул солаётган, рўпарасида ёнаётган оловнинг тафтидан юзлари қизариб кетган усмир ишини қуйиб, мўйсафиднинг илтимосини бажарди ва унинг нархини айтди.

Аммо харидор обдон уёқ-бу ёғини, ички чўнтақларини қарадию, ноқулай аҳволда каловланди (Менимча у ё пулини йўқотиб қўйган ёки уйида қолдирган).

— Болам, буюминг насиб қилмаган экан, Чортоққа қайтиб кетадиган бўлдим, ҳали кўп нарса олмоқчи эдим, — дея кета бошлади.

— Отаxon, тўхтанг! — бирданига тилга кирди хунармад бола. — Олинг, олиб кетаверинг, пулини бошқа келганингизда берарсиз. Ё бўлмаса умуман керакмас, дуо қилиб қўйсангиз бўлди.

Орада «сиз олинг, сиз қуйинг» деган мулозаматлар бошланди. «Бобом тенги экансиз, бу менинг биринчи мустақил ясаган пичоқларим эди, олма-сангиз хафа буламан», деди ниҳоят хунарга эгаси қатъий. Шундан кейин қария дуога кўл очди: «Йиле хунари қўлинг асло дард кўрмасин, хорлик кўрмагин».

**Абдумалик АБДУЛЛАЕВ,
Шаҳрихон шаҳар,
Чинобод кўчаси, 24-уй.**



Бўлажак аскарлар

МАСЛАК БИТТА — ВАТАН ВА ХАЛҚ ХИЗМАТИДА БЎЛИШ

Нуриддин АЗИМЖОНОВ,
*Собир Раҳимов тумани
мудофаа ишлари
бўлими бошлиғи.*

— Нуриддин Иброҳимович! Бўлимиз ва бўлимизда амалга оширилаётган ишлар, унинг мақсад-маслаги ҳақида суҳбатлашиш ниятида ташриф буюрдик.

— Бу борада гаплашиш шу соҳа хизматчилари учун ҳам, ҳамма учун ҳам фойдадан ҳоли эмас. Мустақиллик бизга ҳамма соҳадабемалол фикрлашишга, ўз нуқтаи назаримизни ифодалашга тўла эркинлик берди. Ўзингизга маълум, мустақил давлатимизнинг ҳарбий ишлари, яъни мудофаа хизматчиларининг мақсад-маслаги битта — Ватан ва халқ хизматида бўлиш, яъни халқ билан муштаракликка эришиш. Мана шу улуг йўлда доим ҳам фарзандлик бурчимизни адо этамиз. Мақсадга кўчишдан олдин узоқ ўтмишимизга озгина назар солишни истардим. Дунёда сон-саноксиз элатлар мавжуд. Уларни бир-биридан устун қўйишга ё камситишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ҳозир биз кўп нарсалар ҳақида фикрлашиш ҳуқуқига эгамиз. Гарчи ўзбеклар сон жиҳатдан қайсидир маънода устунлик қилиши мумкин. Гапим ўзбеклар сон жиҳатидан қайсидир маънода устунлик қилиши мумкин. Гапим асоссиз бўлмаслиги учун тарихимизга назар ташлайлик. Дунёвий уйғониш даври бизда 7-8 асрларга тўғри келади. Америка қитъасини очиб берган Беруний, математика фанининг асосчиси Ал-Хоразмий, улуг табиб Ибн Сино каби ўнлаб алломалар уша даврда тугилган ва буюк кашфиётлар қилган. Улкан саркарда Маҳмуд Газнавий ҳам шу йилларда ном таратган эди. Агар улардан кейинги 9 асрдан 12 аср бошларигача фаолият кўрсатган хоразмшоҳлар ва уларнинг сўнгги авлоди, толмас ватанпарвар Жалолоддин Мангубердиннинг ҳаётига назар солсак, ҳарбий ишларда ҳам нечоғлик илгарилаб кетганимиз маълум бўлади. Ёки Алишер Навоийни олайлик. У билан беллашадиган шоирлар дунёда жуда кам. Ўзининг одиллиги, ҳарбий ишларда катта иқтидор эгаси эканини исботлаган Темур бобони олайлик. Бу улуг саркарда, жаҳонгир бирор марта мағлубият билмади. Чунки у ўз ҳарбийлари орасида темир интизом урнатган ва беҳад серфикр, яъни олдини кўра билладиган киши эди. Бундай жаҳонгирни Хитой, Ҳиндистондан

чиққанини билмайман. Демокчи-манки, биз мана шундай улуг кишилар тугилган ва камол топган юртнинг фарзандларимиз. Мустақилликка эришганимиздан кейин биз яна ўша улуг давр анъаналарига қайтишимиз керак. Ва бугунги кунимизнинг мақсади ҳам шундай.

— Чиндан ҳам мустақиллик бизга улуг неъмат — эркинлик ато этди. Илгари ўзлимиз ҳақида гапиришнинг ўзи қийин эди.

— Илгари миллий қуролли кучларимиз бўлмагани каби, мудофаа ишларига ўзбеклардан етарли қўйилмасди. Бармоқ билан сарнари генералларимиз бор эди. Улар ҳам иккинчи, учинчи даража ишларни бажарардилар. Ҳарбий билим юртларига ҳам ўзбек йигитларидан санокли қабул қилинарди. Бугунги кунда ҳарбий раҳбарлар ўзбеклардан, ҳарбий билим юртларига ҳам маҳаллий халқ фарзандларидан қабул қилинаётир. Бу яна мустақилликнинг шарофатига бориб тақаладиган гап. Мудофаа кучларимиз нисбатан ёш. Эндигина шакллана бошлади, десак янглишмаймиз. Уни қай даража кучли ва мустақам қилиб шакллантириш ўзимизга, давлатимизнинг қудратига боғлиқ. Давлатимиз эса, табиийки, мустақилликдан сўнг қудратли бўлиб бораётир. Худога минг қатла шукурким, мустақилликка эришганимиздан кейин, яъни ўз ҳуқуқимизни қўлимизга олганимиздан кейин армия сафига қақирган ёшлар республикамиз худудида ўзларнинг ҳарбий бурчларни ўтамоқдалар.

— Ҳарбий хизматга қақирладиган, шу хизматга яроқли йигитларимиз ҳақида ҳам озгина изоҳ берсангиз?

— Бўлимиз вояга етган ҳамма йигитларни ҳарбий қўшинларимизда хизмат бурчини ўташ учун рўйхатга олиш ва қақирриш ҳуқуқига эга. Бироқ ҳаммасини ҳам ҳарбий хизматга жалб қилиш мумкин эмас. Шу уринда озгина кўнгилсиз ҳолни гапиришга мажбурман. Бу ҳол эса яна мустақилликдан олдинги даврга, яъни давр жараёнига бориб тақалади, десак янглишмасмиз. Уша даврларда ҳарбий хизматга қақирладиган умуман халқ ҳақида, унинг соғлиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапирилди, соғломлаштириш борасида ду-

нёда олдинги уринларда туришимиз ҳақида аниқ рақамлар билан гапирилди. Аслида эса манзара бошқача эди. Турли захарли дориларнинг режасиз ва керагидан ортиқ ишлатилиши, ер ва сувларнинг захарланиши оқибатида юрак хасталиги, буйрак хасталиги, ошқозон хасталиги, жигар хасталиги, камқонлик каби юзлаб хасталиклар пайдо бўлди ва бу ҳамма қатори ёшларга ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Албатта тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бориш даркор. Ҳарбий хизматга яроқсиз йигитлар турли соғломлаштириш масканларида шифоланиб, алоҳида кўрикдан ўтказилиб, сўнг хизматга олинади. Шундай масканларнинг сонини кучайтириш ва кўпайтириш ишлари ҳам жиддий йўлга қўйилаётир. Йигитларимизни жисмоний тарбия ишларига ҳам жиддий жалб қилишимиз лозим.

— Ҳарбий билим юртларига қандай йигитлар қабул қилиниши мумкин?

— Бу борада ота-она ё оилавий шароитлар ҳеч қандай роль ўйнамайди. Иқтидорли, соғлом, ўзида ўқишга ҳавас бўлган ҳар бир йигит ҳарбий билим юртига ўқишга кириши мумкин.

— Туман бўлимларида ҳарбийга қақирриш борасида аниқ режалар борми?

— Табиий бор. Умуман режасиз иш йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳамма туманлар каби бизнинг туманларимизга ҳам қақиррилувчилар учун режалар мавжуд.

— Оилавий шароитларга қараб мустасно сифатида бирор йигитлар ҳарбий хизматдан қолдирилиши мумкинми?

— Албатта мумкин. Оилада биргина фарзанд бўлса, ота-онаси ма-йиб бўлса хонадоннинг шу фарзанди 27 ёшгача ҳарбий хизматдан қолдирилади. Агар хонадонда ҳарбий хизматга қақирриладиган бир фарзанд бўлса, унинг 16 ёшга етмаган, яъни ёш укаси, синглиси бўлса у ҳам ҳарбий хизматдан қолдирилади.

— Ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун қандай маълумотга эга бўлиш керак?

— Албатта, олий маълумотли бўлиши керак.

— Ўзингиз ҳақингизда ҳам озгина гапирсангиз.

— Отам ҳам, онам ҳам оддий ишчи бўлишган. Амакиваччаларимнинг кўпчилиги ҳарбий хизматдаги кишилар бўлгани учун менда шу хизматга ҳавас уйғонган. 1984 йили Тошкентдаги олий умумҳарбий бошқариш билим юртини тугатганман. Турли ерларда хизмат бурчимни ўтадим. «Қизил Юлдуз» ва «Қизил Байроқ» орденлари соҳибиман. Бир ўғил, бир қизим бор. Қизим Умида. Ўғлим Бахтиёр эса ҳарбий бўлиш орзусида.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Усмон ЭРНАЗАРОВ.

Бозор иқтисодий қўшничилиги


РАҚОБАТЧИЛИК

Бу — иқтисодий жараён, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар уртасидаги кўпроқ фойда олиш учун буладиган кураш. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулотини бозорда ҳукмрон бўлишини истайди. Агар бу истаги тўла амалга ошса, монополия — яқка ҳукмронлик юзага келади ва рақобат йўқолади. Бу эса товарлар тури ва сифатини камайтиради, иқтисодий юксалиш бўлмайди. Рақобатчилик шароитида ҳар бир ишлаб чиқарувчининг сирлари бўлади. Уларни бир суз билан НОУ-ХАУ деб аташади. Ҳадемай сизларнинг ҳам НОУ-ХАУларингиз бўладики, бу ибора билан танишиб олинг.

Тижорат, бошқарув, техник молиявий ва бошқа усулдаги қимматли техник билим ва амалий тажрибалар. Ноу-хау тижорат сирлари, патент қилинмаган технологик жараёнлар ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда савдога тегишли, ҳали кўпчилик билмайдиган қимматли ахборотларни уз ичига олиши мумкин. Ноу-хаунинг асосий белгиси — маҳфийлиги. У соғилади. Масалан, магазиндаги сувхалтада тартибсиз сочилиб ётувчи конфетларни чиройли қадоқлаш усули сизга маълум. Конфет ишлаб чиқарувчи эса уни билмайди. Шунда сиз бу сирингизни унга сотасиз. Ноу-хау вақт ўтиши билан уз қимматини йўқотади. Шу боис уни уз вақтида сота билиш керак.

НОУ-ХАУ нархи

Бу — Ноу-хау фойдалигининг умумий курсаткичи. Яъни сиз сотган ноу-хау сотиб олувчига қанча даромад келтиришига асосланган ҳолда уша фойданинг маълум миқдорда тўланадиган муқофот — пул. Одатда ноу-хау сотиб олинган заҳотиёқ эмас, у фойда келтира боради туланади. Умуман эса бу сотувчи билан харидорнинг узаро келишувига боғлиқ.



АНОГРАММА — ТОПШИРИК

Азиз муштарий! Аввал шакл атрофидаги ҳар бир сўздаги ҳарфлар ўрнини алмаштириш билан янги сўз ҳосил қилиб анограммани ечинг. Сўнг ана шу янги сўзларни шаклдаги каттакларга кесишган ҳолда ёзиб, топшириқни ҳал этинг.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

ИВМ компьютерида терида ва саҳифалади. Офсет усулда босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г 0450. 11.000 нусхада босилди. Қороз бичими — А-3. Босингиз топшириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзил: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

